Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 25 июнь жума

Сотувда эркин нархда № 125 (2163)

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

САВОЛ: Муҳтарам Президент, Ўзбекистондаги сўнгги воқеалар муносабати билан юртимиздаги сиёсий-ижтимоий вазиятга жаҳон жамоатчилиги ва хорижий матбуот вакилларининг қизиқиши сезиларли даражада кучайди. Бу хусусда турлича қарашлар, фараз ва талқинлар бор. Сизнинг фикрингизча, бу воқеаларни қандай тушуниш ва баҳолаш мумкин?

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, бугун жамиятимиз кескин сиёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Буни ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, одамларимизнинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётгани, эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланаётгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, афсус билан қайд этиш лозимки, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам жонланиб қолди.

Биз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданоқ энг олий мақсадимиз — юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ғояларини очиқ-ойдин баён этганмиз. Ўтган саккиз йил мобайнида қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамасдан, танлаган йўлимиздан изчиллик билан бормоқдамиз. Бу йўлнинг ўзига хос жиҳатларини, дуч келиши муқаррар бўлган машақкатлар ва турли синовларни, хавф-хатарларни назардан четда қолдирмасликка, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга интилиб келмоқдамиз.

Мен Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида, халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги учун, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги учун жавобгар шахс сифатида, қолаверса, шу азиз ва бетакрор юртнинг бир фарзанди сифатида ўз фаолиятимда авваламбор аҳолимиз ва халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини мана шу қалтис, ўта мураккаб, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалаларга қаратиш, уларнинг тўғри ва оқилона ечимини топиш ҳақида ҳамиша бош қотириб келаман.

Хусусан, "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобимда, кейинги вақтдаги нутқ ва чиқишларда, "Тафаккур" журнали, "Туркистон" газетаси, "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги вакилларининг саволларига берилган жавобларда, Олий Мажлисимизнинг XIV сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли маърузада мен бу ҳақда алоҳида ва батафсил тўхталиб ўтган эдим.

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган кенг оммани огоҳликка чақириш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир.

Ўйлайманки, бугун юртимизда яшаётган ҳар бир онгли инсон мамлакатимизнинг олға босиши, тараққий топган давлатлар билан ҳамкорликда ривожланиши учун зарур шартларни англаш билан бирга, шу қадамларимизга тўсиқ бўлиб турган сабаб ва кучларни, уларнинг бизга қарши очиқ ва пинҳона қилаётган ҳаракатларини ўзига тасаввур қила олиши мумкин.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгандан буён ўтган даврга назар ташлайдиган, уни таҳлидий баҳолайдиган бўлсак, кўп ҳолларда кундалик муаммолар, асосан моддий ташвишлар билан ўралашиб, давлатимиз, халқимиз бошидан кечираётган тарихий жараёнларни тўла англаб етолмаётганимизни сезиш мумкин. Очиқ тан олишимиз даркор: баъзи бир хомхаёл, эскича фикрлайдиган одамларнинг назарида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият гўёки 80-йиллардан буён теп-текис, силлиқ, ҳеч қандай курашларсиз ўз йўли, ўз табиий оқими билан давом этиб келаётгандек туюлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки самаралари, улкан қурилиш ва иншоотлар қандай машаққатли меҳнат эвазига, мамлакатимиз тараққиёти йўлида, халқаро майдонда муносиб нуфузга эга бўлиш йўлида ҳеч кутилмаган, оғир тўсиқларни енгиш эвазига қўлга киритилаётганини баъзи бир кишиларнинг тасаввур қилиши ҳам қийин.

Бу ҳақиқатни одамларга гоҳ-гоҳ эслатиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Ваҳоланки, кейинги саккиз-ўн йил ичида давлатимиз, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ва оила тақдирида қандай мураккаб синовлар бўлганини, халқимиз не-не қийинчилик ва тўсиқларга дуч келиб, уларни сабр-бардош ва матонат билан енгиб келаётганини, энг муҳими, жамиятимиз ҳаётида, унинг турли тоифа ва босқичларида, одамларимиз тафаккурида оғир кураш кечаётганидан огоҳ бўлиш, бундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш нақадар зарур эканини барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.

Мен ҳозир умумий ривожимиз, ҳаётимизни янгилаш, давлат ва жамият қурилиши борасидаги кенг кўламли ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Мен фақатгина бир фикр аҳолимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлишини истардим: **агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил балоқазоларни ҳам пайқамайсезмай қолишимиз мумкин.**

Шу билан бирга, бундай ёндашув одамларимизни ташвишга солаётган маълум воқеаларни, уларнинг негизида ётган сабаб-оқибатларни тасаввур этиш, тушунишга кўмак беради.

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузамда мен бу масалага муносабат билдириб, халқимиз эътиборини иккита хавф-хатарга қаратган эдим.

Булардан **биринчиси** мамлакатимиз ташқарисидаги тажовузкор, ақидапараст кучлар бўлиб, улар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, ота-боболаримиз динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, уни орқага қайтаришга уринмоқдалар.

Бу фикрнинг тасдиғини Ўзбекистонда сўнгги йилларда пайдо бўлган, бизнинг динимизга ёт турли ақидапарастлик оқимига мансуб — ваҳҳобийлик дейсизми, "Ҳизбут-таҳрир" дейсизми, "Мусулмон биродарлар" дейсизми — ҳаракатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун бизда мавжуд маълумотлар ва шу динийэкстремистик ҳаракатларнинг қўлга тушган баъзи бир маҳаллий "доҳийлари" берган кўрсатма ва иқрорларга кўра, бу оқимлар юртимизда кечагина эмас, балки 80-йиллардан илдиз ота бошлаган. Уларнинг ортида айрим чет мамлакатларда жойлашган, бизни ўз таъсирига олмоқчи бўлган марказлар турган.

Ўша марказларнинг тузоғига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қилган ва шундан манфаат кўрган бу маҳаллий "доҳийлар" ўз фаолиятини юртимизда ўта махфий ва пинҳона тарзда олиб борган.

Бугунги маълумотларга қараганда, бу бир тўда сотқинлар аввало ўзлари ишонмайдиган ғоя ва ақидаларни аҳоли ўртасида тарқатиб, иродаси бўш, онги паст айрим ёшларни алдаб-сулдаб, уларга қасам ичириб, сохта эътиқодга кўндириб, ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга уринганлар.

Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, бундай махфий тарзда қўпорувчилик фаолияти олиб бораётган ташкилотларни чет эллардаги экстремистик кучлар ва марказлар бошқариб тургани, улар ўзининг ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун катта куч ва маблағ сарф қилаётгани биз учун аён. Бугунги кунда бизда буни тасдиқловчи етарли далиллар бор. Тергов ва суд жараёнлари тугаганидан сўнг бу маълумотлар кенг жамоатчилик ва халқимизга, албатта, маълум қилинади.

Иккинчи хавф-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.

Юртимизга таҳлика солиши мумкин бўлган мана шу икки омил ҳақида чуқур фикр-мулоҳаза юритган одам ўзини қийнаётган кўпкўп саволларга жавоб топиши мумкин. Зийрак, дунё ишларидан озмикўпми хабардор юртдошларимиз буларнинг қандай кучлар эканини, уларнинг сиёсий башарасини, ғаразли мақсадларини яхши билади. Биз халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ўз йўлимизда қатъиймиз: яъни Ўзбекистон ақидапарастликнинг — у хоҳ диний, хоҳ коммунистик шаклда бўлсин — ҳар қандай кўринишларига қарши. Шунингдек, биз ҳар қандай шовинистик, бизни менсимаслик, империя кўзи билан қараш интилишларини, минтақада ҳукмронлик ва зўравонлик қилиш даъволарини ҳам кескин рад этамиз. Аввало, якин қўшниларимиз, дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликка эса доимо тайёрмиз.

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ БИШКЕККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 июнь куни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Бишкекка жўнаб кетди. Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистлар билан суҳбатда бўлиб, жумладан, шундай деди:

— Бишкек учрашувида кўриладиган масалалардан бири минтақамиз давлатлари ўртасида қабул қилинган ҳужжатларнинг амалда қандай бажарилаётганига танқидий кўз билан қараш бўлади. Шу ўринда бир гапни айтишим керак: бизнинг орамизда ўзаро "мусобақа" бўлмаслиги керак. Аксинча, бир-биримизга интилишимиз асосига қурилган ҳамкорлик бўлмоғи лозим. Яъни, қўлни-қўлга бериб, елкадош бўлиб, бир-биримизнинг манфаатимизни ҳисобга олиб ҳаракат қилсак, шундагина халқларимиз, қолаверса, бошқа давлатлар ҳам бундай ташкилотнинг фойдали ва нуфузли эканлигини кўради.

Мазкур учрашув кун тартибидан ўрин олган иккинчи масала — бу экстремистик, террористик кучларга қарши биргаликда курашишдир. Бирон-бир мамлакатда шундай кучлар одамлар тинчлигини бузгудек ёки давлат ва халқнинг келажагига раҳна солгудек бўлса, қўшни республика бунга жим қараб турмаслиги керак. Негаки, бундай нохуш ҳодиса бугун у ерда рўй берган бўлса, эртага қўшни давлатда бўлмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. "Қушнинг тинч — сен тинч" деган гапни халқимиз бежиз айтмаган. Бир вақтлар Тожикистонда давлатга қарши мана шундай ҳаракатлар бўлган эди. Ўша беқарорлик, фуқаролар уруши бошланганда биз қўшни давлатга тезроқ тинчликни тиклаб олиши учун қўлимиздан келганча кўмаклашишга ҳаракат қилгандик. Чунки минтақамизда яшаётган халқларнинг тинчлиги — бу ҳаммамизнинг тинчлигимиздир. Шуни доимо ёдда тутишимиз керак: нохуш ҳаракат бир давлат ҳудудида қолиб кетмайди, бошқа давлатларга ҳам ёйилади. Буни, айниқса, ёшларимизга уқтириб туришимиз керак. Халқнинг тинчлигини бузадиган, давлатнинг барқарорлигига путур етказадиган ҳар қандай экстремистик кучга ва ҳаракатга қарши биргаликда, ҳамкорликда курашишимиз керак.

Бишкек учрашувида Афғонистон масаласи ҳам тилга олинади, албатта. Афғонистон муаммоси айни пайтда минтақа давлатлари учун энг долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ташкил этилган "олти плюс икки" ташаббусини АҚШ, Эрон, Хитой, Покистон ва бошқа давлатлар тўла қўллаб-қувватлаяпти. Афғонистонда ҳам қурашаётган кучлар ўртасида ўзаро тил топишишга интилиш сезилмоқда. Бу эса уларни бир жойга тўплаб, ўзаро тил топишини йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Тўғри, қарийб йигирма йилдан бери давом этаётган урушни бирданига тўхтатиш осон иш эмас. Такрор-такрор айтганман: агар Афғонистонга четдан молиявий ёрдам кўрсатишлар давом этмаганда эди, у ердаги уруш анча илгари тугаган бўлур эди. Ўйлашимча, бугун бу заминдаги беқарор вазиятни тўхтатишга муайян имконият туғилаяпти.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Б. Сидиқов ҳам бор эди.

БИШКЕК УЧРАШУВИ

БИШКЕК, 24 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизистонга келди. Бишкек аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев кутиб олди.

"Ола арча" қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Мазкур мамлакатлар делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари давомида иқтисодий интеграция кўламларини кенгайтириш ва хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Музокаралар давомида Украина, Грузия, Туркияни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига кузатувчи сифатида қўшишга келишиб олинди. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев давлат раҳбарлари кенгашининг раиси, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Нуралиев ҳукумат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб тайинланди. Давлатлараро кенгашнинг навбатдаги йиғилишини Тожикистон Республикасида ўтказишга қарор қилинди.

Музокаралар якунида Президентларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида Президентлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

(ЎзА)

Оттавада Ўзбекистон Республикаси ва Канада ҳукуматлари ўртасида биринчи расмий ҳужжат — Икки ёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

КАНАДА БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ИСТАГИДА

Канада томонидан мазкур ҳужжатни Канада ташқи ишлар вазирининг парламент котиби Ж. Рид, Ўзбекистон томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг АҚШ ва Канададаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Сафоев имзоладилар.

Канададаги учрашувлар Ўзбекистон-Канада ҳамкорлигининг ёрқин истиқболларини намойиш этди. Канада Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашдаги роли ва унинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш учун фаол интилишини кўрсатиб ўтди. Шу боис Оттава расмий равишда Ўзбекистон билан мунтазам сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ва барча соҳаларда муносабатларни ривожлантириш истагини билдирди. Канада ҳукумати асосий эътиборни тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши кураш масалаларидаги ўзаро ҳамкорликка қаратмоқда.

Канада томони савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизини кенгайтиришга, парламентлараро алоқалар ва гуманитар соҳаларда муносабатларни йўлга қўйишга тайёрлигини билдирди. Канада савдо миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи масаласини ишлаб чиқиш тўғрисида келишувга эришилди.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Қ А Р О Р И

Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мактабгача болалар муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, мактабгача таълим тизимида рақобат муҳитини яратиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароитларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси К А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг давлат мактабгача болалар муассасалари билан бир қаторда тижорат асосида фаолият кўрсатувчи, давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари ўз устав жамғармасини муассисларнинг маблағлари ҳисобига шакллантиради, ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади;

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари белгиланган тартибга мувофиқ хусусийлаштириладиган давлат мактабгача муассасалари негизида ҳам ташкил этилиши мумкин;

тугатилаётган давлат мактабгача болалар муассасаларининг бўшаётган бинолари ва иншоотлари мавжуд жиҳозлари ва асбоб-ускуналари билан биргаликда, кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан 3 йилгача муддатга ижара ҳақи ундирмасдан, давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларига ижарага берилиши мумкин.

3. Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларининг ишлаб турган давлат мактабгача болалар муассасалари таркиби ва ҳудудида, шунингдек, бошқа давлат мактабгача болалар муассасаларига эга бўлмаган аҳоли яшаш жойларидаги ишлаб турган давлат мактабгача муассасалари ўрнига ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаси (ташкилоти) тўғрисида Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, унда уларни ташкил этиш тартибини, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақомини, тегишли давлат стандартларини таъминлаш бўйича асосий талабларни, кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартибини, маблағ билан таъминлаш механизмини ва бошқаларни назарда тутсин.

5. Хизмат кўрсатиладиган болаларнинг сифатли овқатлантирилишини ташкил этиш учун давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларига олинадиган даромадларнинг 15 фоизгачасини чакана савдо тармоқларидан ва деҳқон бозорларидан нақд пулга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга сарфлаш ҳуқуқи берилсин.

6. Ташкил этилаётган давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлардан (Пенсия жамғармасига ажратмалардан ташқари) улар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч йил муддатга озод қилинсин, кўрсатиб ўтилган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, дидактик материаллар, болалар ўйинчоқлари ва адабиётлари сотиб олиш учун мақсадли сарфлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юқорида белгиланган солиқ имтиёзларидан фойдаланувчи давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари хизматлари учун тўлов миқдорларининг декларация қилинишини таъминласин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларини ривожлантириш, уларнинг фаолият кўрсатиш ҳуқуқига лицензияларни белгиланган тартибда расмийлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириб бориш, шунингдек, уларга услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг болалар тарбияси ва таълими соҳасидаги давлат стандартларига риоя этишларини назорат қилиш функцияси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларида давлат стандартларига мувофиқ санитария, гигиена ва саломатликни мустаҳкамлаш даражаси устидан тиббий назоратни таъминлаш функцияси юклансин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларини ташкил этишга амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ҳар томонлама кўмаклашсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб турган давлат мактабгача болалар муассасаларининг жойлашувини ва болалар билан тўлдирилганлигини, уларнинг бир қисмини кейинчалик сотиш ёки янгидан ташкил этилаётган мактабгача болалар муассасаларига ижарага бериш учун аниқлаб олиш мақсадида бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини пухта ўрганиб чиқсинлар;

давлат таъминоти муассасалари учун харидларнинг умумий ҳажмини аниқлашда давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олсинлар ва давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари томонидан давлат таъминоти тизимининг савдо корхоналари тармоқлари, шунингдек, чакана савдо тармоқлари орқали нақдинасиз ҳисоб-китоб бўйича майда улгуржи тартибда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш имкониятини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги 397-сон қарорига 1-илованинг 1. 2-банди 3-хат бошидаги иккинчи жумла қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ҳажмини аниқлашда давлат таъминоти муассасалари таркибига давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари, шунингдек, тегишли муассасалар балансида турадиган корхоналар билан келишган ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган идораларга қарашли мактабгача болалар, ўқув ва даволаш муассасалари киритилиши мумкин".

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.Ҳамидов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 24 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

24 июнь куни Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг бир қанча вазирликлар ва идоралар, вилоятлар ҳокимликлари, хусусан, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Навоий, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликларининг масъул ходимлари ва мутахассислари иштирокида мажлис бўлиб ўтди.

Қўмита раиси А. Аҳадов томонидан олиб борилган мажлисда Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида Солиқ кодексининг талабларига риоя этилишидаги аҳвол тўғрисида шу вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларининг ахборотлари тингланди. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борадаги мавжуд камчиликлар хусусида депутатларга Давлат солиқ қўмитасининг раиси С. Алимбоев ва молия вазирининг ўринбосари Э. Галоев ахборот берилди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, жойларда Солиқ кодексининг талабларига риоя этишга оид талабларнинг ишлаб чиқилган бўлиб, уни бажариш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб борилмоқда. Кодекснинг қоидаларини ўрганиш, уларнинг амалиётда тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида туманлар ва шаҳарларда семинар-кенгашлар ўтказилган, оммавий ахборот воситаларида бу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, асосий нормалари ҳақида материаллар берилган. Аҳоли ўртасида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари борасидаги билимларни аниқлаш мақсадида кўрик-танлов мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган бундай тадбирлар қонунларга риоя этилиши борасидаги иш аҳволини яхшилашга ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг талабларига риоя этилишини ташкил этиш билан боғлиқ ишларда камчиликлар борлиги мажлисда кўрсатиб ўтилди. Касса аппаратларидан фойдаланмаслик, маҳсулот реализацияси ва хизмат кўрсатишдан тушган нақд пулларни банк муассасаларига ўз вақтида топширмаслик ҳоллари ҳамма жойда учраб турибди. Маҳаллий молия ва солиқ хизматлари бўлинмалари Солиқ кодексида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқ масалаларни ўрганмаяптилар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида ягона ер солиғини қўлланиш амалиёти етарлича умумлаштирилмаяпти.

Мажлисда сўзга чиққан Қўмита аъзолари, ижро этувчи ҳокимият органларининг ходимлари ўзаро фикр алмашдилар, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган амалий таклифлар билдирдилар. Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ва ходимларнинг малакасини ошириш, ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

(Давоми. Боши 1-бетда)

САВОЛ: Шу кунларда 16 февраль воқеаларини содир этишда айбланаётган бир гуруҳ кимсалар устидан суд жараёни давом этмоқда. Судланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

Албатта, бу ҳол барчамизни ҳам қийнаётгани табиийдир. Бугун Ўзбекистон аҳлини бир савол ўйлантирмоқда: қандай қилиб айрим ёшларимиз бундай зарарли оқимлар таъсирига тушиб, жиноят кўчасига кириб қолди?

ЖАВОБ: Мен кўҳна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий.

Орзу-умидлар билан яшаётган, дунёқараши, руҳий олами шаклланаётган ҳар қайси инсон ёшлик чоғида ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида ўйлайди, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади, шунга қараб турмуш режалари, интилишлари пайдо бўлади. Кўп нарса, албатта, инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ. **Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқдир.**

Одамзод қандай тизим, қандай муҳитда яшамасин, барибир ўз қалбида муайян бир ғояга, маслак-мақсадга эҳтиёж сезади. Минг афсуски, бу жараён ҳаммада ҳам бир хил кечмайди, бу тушунча ва фикрлар айрим инсонларнинг қалбига кечроқ кириб боради. Содда қилиб айтганда, уларнинг эсҳуши кечроқ, яъни бошига бир мусибат тушганида ёки бирор синовга дуч келганида киради.

Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди.

Бизга эски тузумдан пахта яккаҳокимлиги, заҳарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқдаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалар ғоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфлашни талаб этарди.

Шукурки, халқимизни ана шу оғир йиллардан бурнини қонатмай, бировга тобе-қарам қилмай, бутун собиқ шўро маконида ҳукм сурган ижтимоий тўфонлардан омон-эсон олиб ўтишга муяссар бўлдик. Бугун бу ҳақиқатни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда.

Шундай мураккаб ва кескин муаммолар билан банд бўлганимизга қарамасдан, биз озодлигимизнинг илк кунлариданоқ маънавият, таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бердик. Бу улкан тарихий ишлар шу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлган халқимизга яхши маълум. Шу боис уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. **Лоақал миллий қадриятларимизни, тилимиз, тарихимиз, дин-диёнатимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилган ишларни эслаш кифоя, деб ўйлайман.**

Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура ғояларини сингдириш бирикки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо мафкура-маърифат соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг заҳарланган онгини эски мустабид тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас. Бундай деб ўйлаш енгил-елпи фикрлаш билан баробар.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципига тарафдормиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

Бизнинг таргибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, ғўр, билими, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб беради-ю, кейин қотиб тураверади — учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба.

Халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожиасини беҳад кўп тортган. Шунинг учун у тутқунликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади. **Бошқача айтганда, энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ қуллик кишанини қайтадан киймайди.**

Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағрикенг, кечиримли эканини, тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир карра тасдиқлади. Чунки **ана шу адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир.**

Сизнинг саволингизга қайтиб, қўшимча қилмоқчиман: бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсакда, **баъзи ўринларда, афсуски, кеч қолаяпмиз.**

Нима учун кеч қолаяпмиз, деган савол туғилади. Биз таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик. Дастурни амалга ошириш юзасидан жиддий ишлар қилинмоқда. Истиқлол йилларида ташкил этилган янгича гимназия, лицей ва мактабларимизда таълим олаётган ўғил-қизларимиз билан учрашганда, уларнинг эркин, мутеликдан озод дунёқараши билан танишганимда ўзимни ҳаётдаги энг катта орзуси ушалган одамдек ҳис қиламан. Шу болалар сиймосида умрим мазмуни, ҳаётимнинг асосий самараси—мевасини кўргандек бўламан.

Айни пайтда бошқа бир муаммо ҳам мени ўйлантиради: мана шу таълим-тарбия тизимида рўй бераётган буюк ўзгаришлар жараёнидан, афсуски, барча фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлолмаяпти. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу — бор ҳақиқат.

Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман. Бу ишни амалга ошириши лозим бўлган ўқитувчи-мураббийларни кўз олдимга келтирсам, уларни чинакам замонавий билим соҳибларига айлантириш учун ҳали ниҳоятда кўп иш олиб боришимиз кераклигини ҳам англайман. Бир сўз билан айтганда, бу борада қанча иш қилмайлик, шу соҳада оқсоқлигимизни тан олишимиз, кўпдан-кўп муаммолар ечими айни шу масалага тақалиб қолаётганини эътироф этишимиз зарур.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия соҳасидаги Миллий дастуримизни кечиктирмасдан дарҳол ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мезони эканини англаб олишимиз шарт.

Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларидан **Оллоҳ берган ақлзаковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.**

Айтинг-чи, шундан кейин биз, ота-оналарда яна қандай армон бўлиши мумкин? Бундай ёруғ фикрли, мияси тиниқ, эътиқоди соғлом болаларни сохта оқимларга эргаштириб бўладими? Улар пана-пастқамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапига кирадими? Умрида бирорта китоб ўқимаган нодон кимсалар уларни йўлдан оздириши мумкинми? Бу авлод вакиллари ўз Ватанига, ўзини оқ ювиб, оқ тараган эл-юртига қўл кўтариши, унга ёмонлик соғиниши мумкинми? Ота-онасини зор қақшатиб, оқпадар, падаркуш бўлиши мумкинми? Дунёдан ўтиб кетган аждодларининг қабрларини беҳурмат қилиб, уларнинг арвоҳларини чирқиратиши мумкинми? Ўз насл-насабидан, она-юртидан воз кечиши мумкинми?

Йўқ. Ҳеч қачон. Онгли инсон, юрагида имон-инсофи, диёнати бор одам асло бундай қилмайди. Қилолмайди.

САВОЛ: Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мавжуд вазиятда маънавий-мафкуравий, таълим-тарбия ишларининг янада катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Сизнинг назарингизда, бу борадаги ишларни такомиллаштириш, янги босқичга кўтариш учун нималарга эътибор бермоқ лозим?

ЖАВОБ: Биз зўравонликка, коммунистик ақидапарастликка асосланган етмиш йиллик даврни бошимиздан кечирдик. Бу даврда оммани сохта ғояларга ишонтириш, уларга итоат қилдириш учун қанча-қанча куч, қанчадан-қанча маблағ сарф бўлмаган, дейсиз. Бу иш билан бутун бошли бир тизим шуғулланар эди. Жамиятнинг энг юқори бўғинидан энг қуйи қатламларигача бу тизим ўзининг кучли таъсирини ўтказар эди. Эҳтимол, бугунги ёшларимиз билмас, лекин нисбатан ёши улуғроқ одамлар у пайтлардаги ҳар турли сиёсий ахборот ва ўқишлар, машғулотлар, лекция ва маърузаларни яхши эслайди. Матбуот, радио-телевидение, адабиёт ва санъатнинг ҳам бор эътибори шу масалага — одамлар онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслигига қаратилган эди. Бошқача айтганда, бу тизимнинг ягона мақсади — шу режимга керак бўлган мафкурани кишилар онгига зўрлик билан сингдиришдан иборат эди. Ўзбек халқини ҳар тонгда "Ассалом, рус халқи, улуғ оғамиз!" деган нағмалар билан уйғотишдан кўзланган ният ҳам аслида ана шу эди.

Шўро даврида мафкура масаласида шундай бир механизм мавжуд эдики, у одамларни фикрлашга чорламаса-да, сохта ғояларни ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга эриша оларди.

Бу ҳақда ўйлаганда мени бир савол қийнайди. Нега энди шўро ҳукумати ўз сохта ғояларини омма онгига сингдира оларди-ю, биз эса халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, унинг фаровон турмуши ва бахтли келажаги учун хизмат қиладиган ҳаққоний миллий ғоямизни одамларимиз қалбига сингдира олмаймиз?

Менингча, бунинг асосий сабаби шундаки, биз демократик **жамият қурар эканмиз, мафкуравий зўравонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик.** Жамият аъзоларининг қонун олдидаги масъулиятини ҳаётимизнинг устувор тамойиллари деб билиб, бунга қатъий амал қилишга интилдик.

Бизнинг пировард мақсадимиз —инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат. Иншоллоҳ, биз бу мақсадимизга эришамиз. Чунки бутун маърифий дунё айнан шундай қонунлар асосида яшайди ва тараққий қилади. Чунки бундай жамият аъзолари билан баҳс қилиш, мунозара юритиш, умумий тил топиш мумкин. Аммо миясига хомхаёл васвасаси зулукдай ёпишиб олган, на қонунни, на реал ҳаёт талабларини тан оладиган мутаассиб тўдалар билан қандай муроса қилиш мумкин?

Мен халқни бирлаштирувчи, юксак мақсадлар сари чорловчи мафкура — миллий ғоянинг жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида илгари ҳам қайта-қайта айтиб ўтганман. Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, **мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.**

Айтинг-чи, миллий мафкурани аниқ тасаввур қилмасдан, унинг назарий асосларини тўғри белгилаб олмасдан туриб бу масалани ҳал қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас.

Аёнки, бу муаммо тарғибот-ташвиқот орқали амалга оширилади. Лекин биз нимани ва қандай тарғибот қилишни аниқ ва пухта тасаввур этишимиз керак. Яъни, агар таъбир жоиз бўлса, мафкуравий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тарика етказиш усулларини ишлаб чиқиш даркор.

Содда қилиб айтганда, мустақиллик ҳар қайси одам, ҳар қайси оила, юртимиз учун, келажагимиз учун нима берди ва нима беради, деган масалани оддий ҳаётий мисоллар асосида кишилар онгига етказиш, қалбига сингдириш орқали уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, кўзини реал ҳақиқатга очиб бериш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз халққа ўз сўзларини айтишлари керак. Улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим. **Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак.**

Бунинг учун эса авваламбор миллий ғоя, миллий мафкура негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод ватан қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиб-ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолиятини ташкил этиш зарур.

Бу ишни қандай йўлга қўймоқ даркор?

Биринчидан, мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш тамойилларини, керак бўлса, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг имкониятидан тўла фойдаланиш зарур. **Токи бу ташкилотлар ҳар қандай манфаатдан ёки таъсирдан ҳоли бўлиб, бизга реал ҳаёт ҳақида, муайян ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида аччиқ бўлса-да, холисона, ҳаққоний хулосалар берсинлар.** Ва жамиятни эски асоратлардан халос этиш, дунёқарашимиз, маънавиятимиз ва мафкурамизни юксак босқичга кўтариш йўлларини пухта ишлаб чиқишлари ва тавсия этишлари даркор. Бу ишга Тарихчилар, Файласуфлар кенгашлари, яқинда тузилган Маърифатпарварлар жамияти каби жамоат ташкилотларини жалб этиш керак.

Иккинчидан, вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита кўмагида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари қошида **маърифий тарғибот кенгашларини тузиш лозим.** Бу кенгашлар таркиби элюрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топа оладиган фидойи инсонлардан иборат бўлиши керак.

Учинчидан, мактаблар, лицей ва коллежларда бевосита маънавият масалалари билан шуғулланадиган мутасадди мутахассислар лавозимларини жорий этиш зарур.

Тўртинчидан, мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўгараклар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим.

Модомики, ёшларни фикрлашга ўргатиш, тафаккур тарбияси ҳақида сўз борар экан, биз муҳим бир нуқтани ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Фикримни очиқроқ айтадиган бўлсам, ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озмиқўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, болани гўдаклигидан юз-қўлини ювишга ўргатмасангиз, керак бўлса, мажбур қилмасангиз, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрофига ўтириш унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди.

Кўриб турганимиздек, бу усул тарғибот-ташвиқот ишларида маълум ўринларда ўзини оқлайди. Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни ёт таъсирлардан асрай олмаймиз.

Ҳар қайси шахс, аввало, ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, қўйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.

Биз келажак ёшларники, деган гапни кўп айтамиз. Келгуси насларга биздан озод ва обод Ватан қолишини орзу қилиб яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз замирида ана шу олижаноб мақсад мужассам. Биз шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки невара-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё турғунича туришини истаймиз.

Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсакда (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи назаридан қараганда улкан ғурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.

ЎЗБЕКИСТОНГА ГРАНТ АЖРАТИЛАДИ

Япония ҳукумати "Озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш" лойиҳаси асосида Ўзбекистонга 470 000 000 япон иени миқдорида грант ажратишга қарор қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мазкур лойиҳа бўйича алмашув нотларини имзолаш маросими бўлди. Ҳужжатни Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов ва Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси К.Обата имзолади.

Япония ҳукумати тақдим этган грант Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида шоли ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилиши назарда тутилган. Бу маблағга замонавий шоли ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олинади.

(ЎзА)

---

1 - МАҚОЛА

ЎЗБЕКИСТОН: РАҚОБАТБАРДОШ БАНК МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САРИ

Мақола муаллифи жаноб Терри Страуд Америка Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) томонидан амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк назоратини такомиллаштириш бўйича лойиҳаси менежеридир. У икки йилдан ошдики, бу лойиҳага раҳбарлик қилар экан, банк назорати, унинг ривожланиш анъаналари аҳволини ҳар томонлама ўрганишга эришди ва уни такомиллаштириш борасида фаоллик кўрсатмоқда.

Муаллиф Марказий банкнинг банк тизимининг равшанлигини оширишга ва унда беқарор таваккалчиликнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларига холис баҳо беришга ҳаракат қилган. Мақолада банкларнинг ҳуқуқий асослари, халқаро бухгалтерия андозаларидан фойдаланиш даражаси, уларни масофадан туриб назорат қилиш ва жойида инспекция қилиш аҳволи таҳлил этилган. Ундаги шарҳ ва таклифлар муаллифнинг Марказий банкнинг доимий маслаҳатчиси сифатидаги тажрибаларига асосланган.

Тижорат банклари бозор иқтисодиёти шароитларида муҳим вазифаларни бажаради ва унинг ажралмас таркибий қисми саналади. Иқтисодиётни молиялашда банклар томонидан амалга оширилаётган кредитлаш ва сармоя сарфлаш шакли иқтисодий ўсишга пойдевор яратади, вужудга келаётган иқтисодий шарт-шароитларда реал сектор учун маблағ манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда банк тизими мижозларнинг вақтинча бўш турган маблағларини жалб этиб, уларни иқтисодиётнинг турли соҳалари ва бўғинларига самарали қайта тақсимлайди. Бундан ташқари, банк тизими тўлов тизимининг иш фаолиятини таъминлайди ва тўловларни ҳам ички бозорда, ҳам халқаро қўламда амалга оширади.

Иқтисодиётни ислоҳ этиш жараёнлари банк тизимидаги ўзгаришлар билан ниҳоятда узвий боғланган. Бозор иқтисодиёти шароитларида банкларга режали марказдан бошқариладиган иқтисодиётдагидан кўра мутлақо бошқача талаблар қўйилади. Бу жабҳада Ўзбекистон молия соҳасини ислоҳ қилиш, банк тизимидаги мулкчилик шаклларини ўзгартириш — давлат мулкини хусусийлаштириш йўли билан рақобатни кучайтиришга қаратилган қонунчилик асосларини шакллантиришдан бошланган эди.

Кўрилган чора-тадбирлар банк тизимида давлат улушининг камайишини таъминлади. Шу билан бирга, банк тизимидаги давлат улушини янада қисқартириб бориш бугунги куннинг долзарб вазифасидир, чунки банк тизими активларининг салмоқли қисми давлат улуши юқорилигича қолаётган йирик банкларга тегишли бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида қайд этилганидек, банк тизимини бундан кейин ҳам хусусийлаштириб бориш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Давлат банкларининг устунлик қилишига чек қўйиш баробарида Фармон банкларда корпоратив бошқарувни мустаҳкамлаш, банклар капиталини оширишга бўлган талабларни кучайтириш вазифасини қўйди. Шундай қилиб, банк тизимида давлатнинг ролини пасайтириш ва хусусий сармояни жалб этиш банк тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши саналади. Шуниси қувонарлики, бу жараённинг пойдевори яратилган.

Равшанки, банкларни хусусийлаштириш жараёни банкларни универсаллаштириш орқали амалга оширилади. Иқтисодий ислоҳотларнинг илк босқичида давлат томонидан тузилган ихтисослаштирилган банклар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажарди. Бугунги кунга келиб, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, активларни диверсификация қилиш мақсадида иқтисодиётнинг тор соҳа ва тармоқлари доирасидан ташқаридаги бозорларга фаол қўшилиши тақозо этилмоқда. Бу банк тизимининг тўлақонли рақобат шароитида ишлашга ўтишини тезлаштиради.

Банк тизимини ислоҳ этишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, банклар фаолиятини ортиқча назорат қилишга барҳам бериш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди ва пухта қонуний назорат тизими шакллантирилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк тизимининг етарлича ликвидлигини таъминлаш, активлар сифати ва капиталлари адекватлигини ошириш, таваккалчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва назорат этиш, шунингдек, банкларда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаларини қўллашга ҳаракат қилмоқда.

Банк тизимининг барқарорлиги кўп жиҳатдан уни назорат этиш тизимининг ривожланиш даражасига, унинг мавжуд ҳамда юз беражак муаммоларни аниқлай олиш ва ечиш қобилиятига боғлиқ. Иқтисодиётнинг ўтиш даври шароитларида Марказий банкнинг банклар фаолиятини тартибга солишдаги роли мутлақ назоратдан то жўшқин ва пухта фаолиятини рағбатлантирувчи қонуний назоратгача ўзгариб боради. Марказий банкнинг ўрни бундан кейин мақсадли кредитларни жойлаштиришга боғлиқ бўлмай, балки барқарор банк тизимини ривожлантириш ва тутиб туришга йўналтирилади. Назорат муассасаларининг асосий вазифаси банклар таваккалчилигини аниқлаш ва баҳолаш бўлиши керак. Уни амалга оширишда қуйидаги унсурлар муҳим ҳисобланади:

- жойида инспекция қилиш самарадорлиги;
- масофадан туриб назорат қилиш самарадорлиги;
- қонуний инфратизимнинг мавжудлиги, шу жумладан, муаммоли банкларга бўлган талаблар;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизими;
- Марказий банкнинг банк назорати хизмати ходимлари ва тижорат банклари ходимларининг малакаси.

Шундай қилиб, банк соҳаси ва банк назорати тизими бугунги кунда ўз ривожланишининг ўта муҳим палласида турибди. Марказий банкнинг техник ёрдамдан, жумладан, Жаҳон банкининг тижорат банклари фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий базаларини такомиллаштириш бўйича берган кўмагидан самарали фойдаланиши банк назорати тизимини сезиларли даражада яхшилашга олиб келди. Бундан кейинги куч-ғайратлар банк тизимини ривожлантириш даражасини сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқиш асоси бўлиб қоладиган ўзгаришларни жадал қўллашга дахлдор Марказий банк ва тижорат банклари ходимларининг билим ва малакасини оширишга қаратилиши лозим.

ЖОЙИДА ИНСПЕКЦИЯ ҚИЛИШ

Тижорат банкларини жойида инспекция қилиш самарали назоратнинг негизи ҳисобланади. Инспекциянинг замонавий дастури ўз олдига қўйган асосий мақсад банк тизимининг таваккалчилигини аниқлаш ва баҳолашдир. Ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган аксарият мамлакатларда банк назорати ходимларидан назорат самарадорлиги ва ишончлигини оширишга қаратилган жуда кўп меъёрий ҳужжатларни бажариш талаб этилади. Бироқ бу ерда муайян мувозанатни аниқлаб олиш керак, чунки беҳисоб назорат бозорга йўналтирилган тизимни чегаралаб қўяди, банкларнинг ўз акциядорлари учун етарлича фойда ишлаб топиш қобилиятини сусайтиради. Шу билан бирга, назоратнинг етарли эмаслиги таваккалчилик даражасини ошириб юборади, акциядорлар капитали ва банкларнинг яшовчанлигини хавф остига солиб қўяди. Шунинг учун Марказий банкнинг роли банкларнинг капиталлари тугаб

1 2 3

ИККИ ЙИЛГА ЕТАДИГАН ОЗУҚА

Жиззахда вилоят таркибида янги ташкил этилган Янгиобод тумани беҳудуд ғаллазорлар, яйловлар, дам олиш масканлари, боғроғлардан иборат. «Ховос» ширкатлар уюшмаси тумандаги энг катта хўжалик ҳисобланади. Бу ерда ўн минг бош қўй-эчки, уч юздан кўпроқ қорамол боқиляпти. Яна бу йил уч минг етти юздан зиёд соғлом қўзи ўстиришга қолдирилди. Қиш ғамини эрта бошлаган чорвадорлар етти юз тонна дағал хашак, тўрт юз тонна сенаж ғамлаб қўйдилар. Энди эса икки қишга етгулик озуқа ўриб олиняпти. Тўғри-да, бу йил тоғларга ёмғир кўп тушди, табиий ўтлар гуркураб ўсди. Уюшма маъмурияти ҳар бир ишчига бир гектардан пичанзор бериб, «қишлигингни ғамлаб ол», деди. Тоғ ён бағирларида кунига юз йигирмата техника ишлаб турибди, фермерларга қирқ тоннадан хашак жўнатиляпти.

Хўжаликда чорва ҳисоб-китоби тўғри йўлга қўйилган. Ҳар йили уч минг гектар майдонда экинлар алмашлаб экилади. Бу иш билан ёнма-ён қарийб беш минг гектар лалми ердаги ғаллани ўриб олиш ҳам жадал бормоқда. Ўтган йилни икки миллион сўм соф фойда билан якунлаган хўжалик жамоаси бу йил даромад икки баробар ошади, деб мўлжаллаяпти.

Вилоят ҳокимлиги айнан шу хўжаликда қишга чорва озуқаси тайёрлаш бўйича кўргазмали семинар ўтказгани бежиз эмас. Сирасини айтганда, қулай имкониятлар бўла туриб, чўлдаги туманларда, хусусан, Дўстлик, Зарбдор, Мирзачўлдаги айрим хўжаликларда қишга зарур бўлган ем-хашакнинг эндигина беш-ўн фоизи жамланган.

Шу боис вилоят ҳокимлиги янгиободликлар тажрибасини кенг ёйиш бўйича алоҳида кўрсатма берди.

Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪТИРОФ

БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Маълумки, мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида ўтган даврда мамлакатимизда эришилган ютуқлар, тараққиётимизнинг асосий йўналишлари хусусида батафсил сўз юритдилар. Тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликнинг таъминланиши, миллий истиқлол тафаккурининг шаклланиши, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги ана шу ютуқларнинг асосини ташкил этади. Ғалдаги асосий вазифаларимиз эса эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, ривожлантиришдан иборат. Шу боис мамлакатимиз раҳбари "Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролар тотувлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш"ни асосий устувор йўналишлардан бири сифатида белгиладилар. Бу вазифаларни амалга ошириш, табиийки, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг қандай йўналтирилгани, қандай амалга оширилаётгани билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимизни бугунги кунда жаҳоннинг 165 дан зиёд мамлакати тан олди ва дипломатик муносабатлар ўрнатди, қатор давлатларнинг элчихоналари, турли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Жаҳон тақдири Ўзбекистон билан, Ўзбекистон тақдири жаҳон билан боғлиқ деб билган Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатни бугунги кунда дунё сиёсатдонлари эътироф этаётгани айни ҳақиқат. Мамлакатимиз раҳбари қаерда бўлмасин, қайси халқаро ташкилот минбаридан туриб гапирмасин, минтақа хавфсизлиги масаласига, албатта, эътибор қаратишлари бежиз эмас. Зеро, бу мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий омилларидан биридир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 48-сессиясини ёдга олайлик. Президентимиз ўшанда Марказий Осиёда реал хавф туғдириб турган Тожикистон ва Афғонистон муаммоларига кенг жамоатчилик эътиборини яна бир бор қаратиб, шундай деган эдилар: "Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонда ва тожик-афғон чегарасида можаронинг давом этаётганлигидан ташвишда... Можаро содир бўлаётган жойларда ғоят кўп миқдорда замонавий қурол-яроқ ҳеч бир назоратсиз тўпланаётганлиги ҳам бизни ташвишга солаяпти. Бу қурол-яроқлар қаердан келаяпти ва улар экстремистлар билан террористлар қўлига қандай тушиб қолаяпти? Биродаркушлик урушлари бўлаётган жойларга қуролларнинг бундай оқимини тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамияти нима қилаяпти ва нималар қилиши лозим?" Юртбошимиз ана шундай саволлар билан жаҳон ҳамжамияти ва сиёсатчилари эътиборини ушбу можаронинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида чуқурроқ ўйлашга, мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг амалий йўлларини топишга даъват этдилар. Минтақа хавфсизлиги билан боғлиқ яна кўплаб саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, 1995 йилнинг сентябрида БМТ раҳбарлигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтганди. БМТ 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзга чиққан мамлакатимиз раҳбари сессия иштирокчилари диққатини яна бир бор ушбу минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига қаратди, амалий йўлларни таклиф этди.

Бу саъй-ҳаракатлар, табиийки, бесамар кетгани йўқ. Масалан, Европа парламентининг 1996 йил 18 январдаги Резолюцияси, Европа Иттифоқининг 1996 йил 14 мартдаги Баёнотида Юртбошимизнинг можаро зонасига қурол-яроқ етказиб беришни тақиқлаш ғояси қўллаб-қувватланди. 1995 йилнинг сентябрь ойида эса БМТ кўмаги билан 31 давлат, 6 халқаро ташкилот иштирокида Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича семинар-кенгаш ҳам Ўзбекистоннинг минтақадаги хавфсизликни таъминлаш ғоялари билан ҳамнафас бўлди. Юртбошимиз ўшанда "дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизлик орқали ўтишини, бошқача айтганда, минтақалар хаввфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминланиши»ни яна бир бор айтган эдилар. Қолаверса, Президентимизнинг БМТ 48-сессиясидаги Марказий Осиё минтақасида наркобизнес, экстремизм, терроризм, ядро қуроли, кимёвий ва бактериологик қуроллар тарқалишининг олдини олиш борасидаги таклифлари БМТ ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигида ўз самарасини бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати ҳақида гапирар эканмиз, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги ва сиёсатдонларнинг бу борадаги муносабатларини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Ўзбекистон, дарҳақиқат, қисқа вақт ичида кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Халқаро валюта фонди, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро электр алоқа уюшмаси, Осиё ва Тинч Океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Европа Тараққиёт ва тикланиш банки, Халқаро молия корпорацияси, ОБСЕ, ЮНЕСКО каби ўнлаб ташкилотлар ана шулар жумласиндир. Шу ўринда НАТО билан "Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури" асосидаги ҳамкорликни ҳам эслаш жоиз.

АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р. Хантер 1996 йилда мамлакатимизга қилган ташрифи чоғида Ўзбекистон минтақадаги барқарорлаштирувчи омил, зеро, бу фақат менинг эмас, балки АҚШ юқори доираларининг ҳам фикридир, деган эди. НАТОнинг 50 йиллиги тантаналарида Юртбошимизга кўрсатилган иззат-икром ҳам ана шу ишончнинг маҳсулидир.

Мамлакатимиз олиб бораётган сиёсат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, тинч йўл билан ҳуқуқий-демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, жамиятни маънавий янгилаш, таълим ва маданиятни ривожлантириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириш натижаси ўлароқ мамлакатни жаҳонга танитишдек каби муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе: "Биз Ўзбекистон раҳбарини республика учун энг оғир кунларда уни тангликдан қон тўкишларсиз ва урушларсиз олиб чиққан доно сиёсатчи сифатида биламиз. Грузиянинг бошданоқ бу йўлни тутмаганлиги бизнинг давлатимизни оғир оқибатларга дучор этди",— деган эди. АҚШ Президенти Уильям Билл Клинтон эса: "Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг мустақиллиги, демократик ривожи, дунё учун очиқлиги ва гуллаб-яшнашига жуда катта аҳамият бермоқда", — деганди. Бу шунчаки айтилган гап эмас, балки мамлакатимиз ташқи ва ички сиёсатининг самимий ва ошкора эътирофидир.

Яна шуни ҳам эътироф этиш керакки, Ўзбекистон раҳбарининг фаолияти ўлароқ, бугунги кунда Тошкент шаҳрида 350 дан ортиқ хорижий компания, фирма ва банкларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг омилларидан яна бири шундаки, бу юртимизда барқарорлик, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро тотувлик таъминланганидир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яна бир муҳим омили минтақа хавфсизлигини таъминлаш, барқарорлик, интеграция жараёнларини кучайтиришдир. Италия Республикаси Президенти Оскар Л. Скальфаро мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнига "Марказий Осиёга нисбатан сиёсатимизни биз Ўзбекистонга, Ислом Каримов амалга ошираётган доно ташқи сиёсатга қараб белгилаймиз. Чунки бу минтақада тинчлик ва барқарорликни кафолатловчи давлат худди шу Ўзбекистондир", дея таъриф берган эди.

Зеро, дунё мамлакатлари билан Ўзбекистоннинг бевосита, икки томонлама муносабатлари кенгайиб, мустаҳкамланаётгани, алоқаларимиз ривожланаётганининг асосий боиси ва сабаби ҳам ана шундадир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, "янги минг йилликка йўл очиб берар эканмиз, ҳаммага дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзамиз. Хавфсизлик, барқарорлик ва собитқадамлик билан ривожланиш деган сўзлар бунинг рамзидир. Чунки айнан ана шу тушунчалар ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир халқнинг тинчлиги, фаровонлиги, равнақи учун пойдевор яратади. Сайёрамизда жўғрофий-сиёсий мувозанатнинг ажралмас шарти бўлиб қолади. Бу ҳар бир инсонга келажакка дадил ва ишонч билан қараш ҳуқуқини беради".

Ғулом СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА БЕРУНИЙ (АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ) НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ҚЎМИТАСИДАН

Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти қўмитаси қуйидаги ишларни 1999 йил Давлат мукофотига танловда қатнашишлигини маълум қилади:

1. Н. Ю. Тўраев, М. Нормуродов, Т. Д. Раджабов, Ф. Ф. Умаров:

Материаллар ва қопламлар хусусиятлари модификацияси ва диагностиканинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, плазмали ионлар оқимлари ёрдамида янги технологиялар ва асбоблар яратиш (1979-1998 йиллар давомида тадқиқотлар мажмуи).

ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Термиз давлат университети.

2. Ш. А. Эгамбердиев, М. М. Зокиров, С. Н. Нуритдинов, В. С. Шевченко:

Коинотнинг пульсацион ва ностационар объектларини астрономик тадқиқ қилиш.

ЎзР ФА, Улуғбек номидаги Астрономия институти.

3. Р. Х. Мухутдинова:

Мураккаб гидроэластик тизимларнинг қучланганлик ва деформация холатини тадқиқ қилиш ва зилзилабардош гидротехник иншоотлар қурилишига татбиқ қилиниши (1966-1996 й.).

ЎзР ФА, М.Т.Ўразбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти.

4. Н. А. Парпиев, М. Тошев, О. Ф. Ходжаев, Х. Т. Шарипов:

d- ва f-ўтувчи металларнинг моно- ва полифункционал лигандлар билан ҳосил қилган координацион бирикмалар кимёси (назария, олиниши ва қўлланилиши).

ЎзР ФА, Умумий ва ноорганик кимё институти.

5. Т. М. Миркомилов, А. В. Коротаев, Г. Раҳмонбердиев, Д. Юсупов:

Маҳаллий хом ашёлар ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлашнинг экологик тоза технологиясини яратиш.

ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети.

6. Қ. Н. Наджимутдинов, Ҳ. Ё. Каримов, З. З. Хакимов:

Монооксигенез система. Фундаментал ва амалий йўналишлари.

ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 1- ва 2-Тошкент давлат тиббиёт институтлари

7. Ф. Ғ. Назиров, Х. А. Оқилов, А. В. Девятов, М. Х. Ходжибеков:

Жигар циррози билан хасталанган беморларда портал қон айланишининг реконструктив жарроҳлиги.

ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, акад. В. Воҳидов номидаги хирургия илмий маркази.

8. А. Ғ. Холмуродов (марҳум), И. Джуманиёзов, Д. Қутлиев, Р. Ш. Шоякубов:

Бактериялар, сув ўтлари ва юксак сув ўсимликлари ёрдамида қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналари оқова сувларини тозалаш ҳамда тупроқни соғломлаштириш биотехнологияси.

ЎзР ФА, Микробиология институти.

9. Э. Бегматов:

Ўзбек исмлари маъноси.

ЎзР ФА, А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти.

10. А. Б. Вильданова, У. Уватов, Т. Файзиев, Д. Юсупова:

Маънавий мерос ва Ўрта Осиё халқлари тарихида доир ёзма манбаларни ўрганиш масалалари.

ЎзР ФА, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти.

11. Н. Ибрагимов, Т. А. Мухторов:

Арабийзабон адабий ёдгорликларни ўрганиш.

ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат шарқшунослик институти.

Қўмита илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларига, корхоналар ва илмий муассасаларга, олий ўқув юртларига, илмий-техник жамиятларига, олимлар ва мутахассисларга ҳамда кенг жамоатчилик оммасига танловда қатнашаётган ишлар ва уларнинг муаллифлик гуруҳлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини илтимос қилади.

Танловда қатнашаётган ишлар ва уларнинг муаллифлик гуруҳлари тўғрисидаги барча тақризлар ҳамда муҳокама натижалари 1999 йил 15 июлгача Қўмитага қуйидаги манзил бўйича юборилиши лозим:

700047. Тошкент шаҳри, Яҳё Ғуломов кўчаси, 70, тел. (3712) 133-74-82

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти қўмитаси

НУКУСДА ШАРҚОНА ГУЗАР





Бугун Қорақалпоғистон пойтахти — Нукус шаҳрида бўлган киши бу ердаги ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларидан ҳайратга тушади. Ғайратли ва шижоаткор ёшлар ташаббусидан қувонади. Шаҳарда бунёд этилаётган муҳташам бинолар, обод гузарлар, маданий-маиший иншоотлар қурилишида «Жомбойсувқурилиш» бошқармаси қурувчиларининг ҳимматидан кўнгиллар таскин топади. Ҳозирда ушбу бошқарма қурувчилари шаҳар марказида чойхона, ошхона, маиший хизмат шохобчаларини ўз ичига олган шарқона услубдаги гузар қурилиши билан машғул.

Республикамиз мустақиллигининг саккизинчи йиллиги арафасида ушбу гузар шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонларига хизмат кўрсата бошлайди.

СУРАТЛАРДА: гузар қурилишида; қурувчи Кенжабой Жомонқораев ўз касбининг устаси.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

ЙЎҚОЛГАН АВТОБУСНИ ТОПИШЯПТИ

Газетанинг шу йил 24 апрель сонида «Автобус йўқолди» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Унда Андижон шаҳридаги 9-рақамли йўналишдаги автобус қатнови тўхтатиб қўйилгани, бу эса аҳолига ноқулайликлар туғдирганлиги тўғрисида сўз юритилганди.

Мақола моҳиятан кўриб чиқиш учун Андижон шаҳар ҳокимлигига юборилганди. Яқинда шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари жаноб М. Мақсудов имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, Андижон шаҳар ҳокимлиги мақолани «Андижонтранс» давлат акциядорлик бирлашмаси ходимлари билан жойида ўрганиб чиққан. Шунингдек, мақола 2511-автожамланма жамоасида муҳокама қилинган. 9-рақамли йўналишда кейинги пайтларда хусусий йўловчи ташувчи автотранспортлар сонининг кўпайиши натижасида автобус ўз харажатларини қоплай олмай қолганлиги сабабли, йўналишдаги транспорт тўхтатиб қўйилган эди.

9-рақамли йўналишдаги автобуслар тез кунда йўловчиларга яна хизмат қила бошлайди.

МАСОФАДАН ТУРИБ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Тижорат банкларини масофадан туриб назорат қилишдан мақсад — банк тизимини ёки муайян банк йўналишларини аниқлаш ва мониторинг қилишдир. Масофадан туриб бошқариш ўз ичига доимий ҳисобот (банк фаолияти тўғрисида ҳисобот)ни шакллантириш пакети ва бу ахборотларни таҳлил қилиш тизимини олади. Масофадан туриб назорат қилишнинг вазифаси ҳар бир банк ҳақида батафсил маълумот тўплаш, улар ёрдамида таҳлилий ҳисоботлар тайёрлашдан иборат. Бу таҳлилий ҳисоботлар банк фаолиятини коэффициентлар таҳлили, йўналишлар таҳлили ва шунга ўхшаш бир гуруҳ банклар фаолиятидан фойдаланиб, юзага чиқиши муқаррар нохуш йўналишлар ва уларнинг пайдо бўлиш босқичидаги муаммоларни аниқлаб, баҳолайди.

Бугунги кунда Марказий банк томонидан доимий ҳисоботдорлик тизимини тўла-тўкис ишлаб чиқиш ва қўллаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилган. Масофадан туриб назорат қилиш сифатининг оширилиши, биринчи навбатда, тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаларини қўллаш нечоғли йўлга қўйилганига боғлиқ. Ҳозирги пайтда олинган маълумотлар тижорат банклари етарлича сифатга эга бўлган асосли ахборотларнинг сифатини янада яхшилаш шулар билан чегараланиб қолмайди. Банкларнинг бухгалтерия ҳисоб-китобларида камчиликлар мавжудлиги равшанлик концепциясига мос келмайди, одатда бу банк фаолиятида бошқа муаммолар ҳам борлигидан дарак беради. Шу боис Марказий банк раҳбарияти ўз олдига сифатли молиявий ва доимий ҳисобот олишни устувор вазифа қилиб қўймоғи керак.

Банк назоратининг таъсирчанлиги сезиларли даражада банк фаолиятининг молиявий ҳолати акс этадиган бухгалтерия ҳисоботи сифатига, тўғрилиги ва ишончлилиги даражасига боғлиқ. Гарчи бухгалтерия андозаларини қўллаш мураккаб масала бўлса-да, бозорга йўналтирилган техникалар воситасида бухгалтерия ҳисобининг самарали тизимини яратиш зарур ва бу банк тизимининг равшанлигини оширишга қаратилган жиддий қадам бўлади. Пировардида бу банк операциялари тўғрилигини таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этади.

Юқорида таъкидланганидек, бу жабҳада Марказий банк томонидан катта ишлар қилинган. Натижада тижорат банклари молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаларини англаш ва қўллашга қўйилган ижобий қадамлари сирасига «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда тижорат банкларини ҳар йили ташқи аудиторлар томонидан текширувлар ўтказиш мажбурияти ўз ифодасини топганини айтиб ўтиш ўринлидир. Марказий банк ҳам «Тижорат банкларини ташқи аудитдан ўтказиш бўйича талаблар тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиққанки, уларнинг кучга киритилиши билан банкларда адекват бухгалтерия ҳисоби тизимини таъминлашда банклар Кенгашларининг масъулияти анча оширилди. Бу йўналишдаги ишларни давом эттириш, ички ва ташқи аудиторларнинг Марказий банкнинг банк назорати хизмати билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш салмоқли аҳамиятга эга.

Терри СТРАУД.

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИСЛАР

Тошкентдаги Болалар бадиий ижодиёти республика марказида Маданият ишлари вазирлиги, халқаро «Амир Темур» хайрия жамғармаси ва халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳомийлигида «Темурий маликалар» мавзусида болалар тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси ва «Истеъдод соҳибалари» кўрик-танлови ўтказилди. Бу тадбирлар доирасида болалар тарихчи олим Турғун Файзиев, «Саодат» журнали бош муҳаррири, таниқли шоира Ойдин Ҳожиева, рассом Рўзи Чориев билан учрашдилар.

—Истеъдодли ўғил-қизларимизни ҳар томонлама етук фарзандлар этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — деди Марказ раҳбари Санобар Шодиева. — Улар бизнинг XXI асрдаги ворисларимиздир. Зеро, юртимизда азал-азалдан истеъдод соҳиблари яшаб ўтган. Биз уларнинг ишларини давом эттирмоғимиз лозим.

Қизиқарли ўтган тадбирлар сўнгида болажонларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Фарҳод УСМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

қолишига олиб келадиган таваккалчиликларини оқилона (қонуний) чегаралашдадир. Қонуний назорат тизими ақлилик ва ишончлилик концепциясига асосланади.

Демак, жойида инспекция ўтказаётганда Марказий банкнинг эътибори банк фаолиятининг таваккалчилиги асосий манбалари ва баҳолаш даражаси томон ўзгариши лозим. Бу жиҳатларга таваккалчиликни бошқариш тизими, ахборотни бошқарув тизими, ички ва маъмурий назорат, шунингдек, бизнес-режалаштириш ва унинг натижасини олдиндан айтиб бериш тизими киради. Банкларнинг ссуда ва инвестиция портфеллари ва кутилаётган зарарларни қоплай оладиган резервлар адекватлиги ҳам инспекторлар томонидан баҳоланиши керак. Бу жиҳатдан Марказий банкнинг Банк назорати бўйича Базель комитети андозалари ва принциплари акс этган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиши ва активлар таснифи тизимини жорий этаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Марказий банкнинг активларни тасниф қилишни яхшилаш борасидаги ишларни изчил давом эттираётгани диққатга сазовордир. Бундан кутилган мақсад активларни таснифлаш мезонларини такомиллаштириш ва қабул қилинган халқаро андозаларга етказилишини таъминлашдир. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ссудалар бўйича йўқотишларга қарши адекват резервларни шакллантиришда Марказий банкнинг Молия вазирлиги билан резерв ажратмаларни солиққа тортмаслик бўйича битимга эришгани катта аҳамиятга эга. Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган меъёрий база банкларни халқаро андозаларга батамом мос келадиган даражада жойида инспекция қилиш имконини беради.

Аммо банклар фаолиятини йўналтириб борадиган меъёрий ҳужжатларнинг аксарияти 1998 йил давомида янгиланиб, 1999 йилдан бошлаб кучга кирганини эътиборга олсак, бугунги кунда Марказий банк олдида банк тизими томонидан ўрнатилган талабларни тўғри тушуниш ва беками-кўст бажарилишини таъминлаш вазифаси турибди.

Ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан қўлланилаётган жойида инспекция қилиш тизими инспекция ўтказилаётган банкни CAMEL[1] тизимига мос келадиган талаблардан келиб чиқиб, рейтингини баҳолаш имконини беради. Америка Халқаро Тараққиёт Агентлиги маслаҳатчилари Марказий банкка 15 та тижорат банкини инспекциядан ўтказишда ёрдам берди. Ўтказилган инспекциялар бу банкларнинг реал рейтингини аниқлаш ҳамда уларнинг ҳар бирига нисбатан алоҳида-алоҳида таъсир этиш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берди. Бундан ташқари, ана шу даврда Марказий банк инспекторлари билим ва малакасини сезиларли даражада оширишга эришилди.

[1] **CAMEL рейтинг тизими — банкнинг самарадорлигини нисбатан аниқлайди. CAMEL рейтинги Капитал, Активлар, Менежмент, Тушум ва Ликвидлик маъноларини бериб, 1 дан 5 гача балли шкалада банк аҳволини баҳолаш учун назорат муассаса томонидан фойдаланилади. 1-якуний рейтинги фаолияти энг юқори баҳоланган банкка қўйилади, 4 ёки 5-рейтингини олган банклар назорат муассасаси томонидан катта эътибор берилиши зарур бўлган банклар рўйхатига киритилади.**

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат «Тадбиркор» банкида тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни янада яхшилаш мақсадида

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ ташкил этилган.

Унинг рақами - 133-76-36.

Ушбу телефон рақами орқали банк томонидан Сизга кўрсатилаётган хизмат сифатини янада яхшилаш ва мавжуд бўлган муаммоларни ўз вақтида жойларда ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш учун бизга шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишингизни сўраймиз.

1875

Маълумот учун телефонлар: 133 18 75; 133 65 10.

НАРКОМАФИЯНИНГ ШАШТИ СЎНМОҚДА

Жазирама ёз кунларининг бирида Термиз шаҳридаги чегара назорат масканига келиб тўхтаган темир йўл вагонлари бир қарашда бошқаларидан фарқ қилмасди. Ҳужжатларга кўра, қўшни Афғонистон офтобида етилган майиз юкланган контейнерлар узоқ Канада мамлакатига йўл олган экан. Бироқ бу юклар хусусида ўзгача тезкор маълумотларга эга бўлган Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари божхона хизмати вакиллари билан биргаликда контейнерларни синчиклаб текширишга қарор қилдилар. Текширув натижасида контейнерлардан 13 тоннадан ортиқ гашиш — наркотик модда топилди. Ушбу далил бўйича кўзғатилган жиноий иш доирасида республика Миллий хавфсизлик хизмати Америка Қўшма Штатларининг Федерал қидирув бюроси билан ҳамкорлик қила бошлади. Тез орада бу ва бошқа кўпгина контрабанда ҳаракатларининг бошида турган шахс аниқланди. У АҚШ фуқароси Эндрю Кляйн бўлиб, ўша пайтда Боливияда яшаб турарди.

1998 йил ноябрда америкалик ҳамкорлар томонидан амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида Эндрю Кляйннинг АҚШга боришига эришилди ва у ҳибсга олинди. Яқинда Калифорния штатининг Сан-Франциско шаҳрида мазкур жиноятчи устидан суд жараёни якунланди. Судда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан тақдим қилинган маълумотлар ҳам ашёвий далил сифатида фойдаланилди.

Биз юқорида аср вабосига қарши кураш борасида республикамиз Миллий хавфсизлик хизматининг фаолиятидан биргина мисол келтирдик. Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни арафасида Ўзбекистон Республикаси МХХ Тергов бошқармаси бошлиғи, адлия подполковники Анвар НАБИЕВ билан ушбу сохада олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Анвар Эркинович, маълумки, ҳуқуқ-тартибот идораларининг саъй-ҳаракатлари билан республикамизда қонунга хилоф равишда қўкнори, наша етиштириш олдига ишончли тўсиқ қўйилган. Шу билан бирга, гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон орқали ноқонуний олиб ўтиш муаммоси мавжуд. Бунга қарши кураш борасида чет давлатлар, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар билан ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилган?

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда наркоманияга қарши аёвсиз кураш олиб борилаётгани, мунтазам равишда «Қорадори» белгиси остида рейд-текширувлар ўтказилаётганлиги натижасида таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган экинлар етиштиришга деярли барҳам берилди. Ўтказилаётган тадбирлар давомида аниқланган қўкнори етиштирилаётган майдонлар йўқ қилинмоқда. Наша етиштириш билан шуғулланаётган фуқароларга нисбатан эса қонунга мувофиқ чора кўрилмоқда.

Наркотранзит масаласига келадиган бўлсак, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вазиятни назорат остида тутиш учун бор қучимкониятни сарфламоқда ва бу борада маълум ижобий натижаларга эришилди. Буни халқаро экспертлар ҳам таъкидлашмоқда. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон минтақадаги барча давлатлар билан чегаралашган. Россия ва Кавказ давлатларига, баъзан Европа ва бошқа қитъаларга мўлжалланган юклар ҳам асосан республикамиз орқали олиб ўтилади. Устига-устак Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Қозоғистон билан чегаралардан ўтиб-қайтиш катта қийинчилик туғдирмайди. Шу туфайли наркобизнес «корчалон»ларининг юртимиз ҳудудига бўлган гаразли қизиқиши кучаймоқда.

Ҳа, мамлакатимизда наркотик моддаларни ноқонуний олиб ўтиш муаммоси мавжуд, бироқ вазиятни ортиқча фожиали кўринишда тавсифлашдан ҳам йироқман. Бизда аср вабосига қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бунга катта куч сафарбар қилинган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш бўйича давлат комиссияси, Миллий ахборотталқилил маркази барча манфаатдор идоралар ишини мувофиқлаштириш, ҳуқуқий негиз яратиш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор беради. Тошкентда БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш халқаро дастури (ЮНДКП) минтақавий ваколатхонаси ишлаб турибди. 1996 йил мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш бўйича халқаро семинар-конференция ўтказилганди. Ушбу анжуманда БМТ Бош котибининг ўринбосари жаноб Д. Джакомеллининг иштирок этиши ҳам минтақамиз халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида эканлигини тасдиқлайди. Республикамиз билан қўшни бўлган Афғонистоннинг ўзида ҳар йили тахминан 3,5 минг тоннадан зиёд гиёҳвандлик воситалари етиштирилади. Бу бало бошқа қитъалардаги давлатларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётига, иқтисодиётига, энг ҳавфлиси, миллий генофондига таҳдид солмоқда.

1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус хизмати АҚШ, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон каби давлатлар қаторида Ўюшган жиноятчиликка қарши кураш халқаро конференциясининг котибияти таркибига кирди. Муаммолар бўйича ахборот алмашиниш телекоммуникациялар тизими ташкил қилинди. Миллий хавфсизлик хизматининг етакчи ходимлари АҚШ мутахассислари томонидан Москва, Киев шаҳарларида, Туркия, Миср Араб Республикаси ва Венгрияда ўюштирилган семинарларда иштирок этдилар.

Ҳозирги кунда наркотикларнинг ноқонуний айланишига чек қўйиш мақсадида юртимиз Миллий хавфсизлик хизмати йигирмадан ортиқ давлатларнинг махсус хизматлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада муайян амалий тажриба тўпланди. Жумладан, Қозоғистон ва Россия махсус хизматлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир давомида Ҳиндистондан Россияга мунтазам равишда героин ташиб турилган канал фош этилди. АҚШ ва Туркия давлатлари махсус хизматлари билан ҳамкорликда Афғонистондан Туркияга олиб ўтилаётган 1 тоннадан ортиқ героин моддаси қузатиб борилиб, «чопар»лар ва буюртмачилар жиноят устида ушланди. Мустақилликка эришилган кундан бошлаб бугунга қадар ходимларимиз томонидан божхона хизмати билан ҳамкорликда МДҲ, Ғарбий Европа ва Канада давлатларига олиб ўтишга уринилган жами 26 тоннадан зиёд гиёҳвандлик воситалари қўлга олинди.

— Транзит қилинаётган наркотик моддаларнинг қандайдир қисми республикамиз ҳудудида чўкиб қолмайди, дейиш нотўғри бўлса керак... Шу ўринда республика ҳудудида нашафурушликка қарши кураш кимнинг ваколат доирасига киради, деган савол туғилади.

— Мавжуд маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, кейинги пайтларда наркотик моддалар Афғонистондан кўпроқ Тожикистон орқали республикамиз ҳудудига асосан кичик миқдорларда олиб кирилаётганлигини кузатамиз. Бу ҳолат оғунинг бир қисми шу ерда чўкиб қолиш хавфини кучайтиради. Унга қарши курашда, айниқса, Ички ишлар вазирлиги бўлинмаларининг фаолияти диққатга сазовор. Жиноят кодексининг 246-моддаси бўйича, яъни гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш аломатлари мавжуд бўлган жиноятлар Миллий хавфсизлик хизмати тергов идораларининг ваколат доирасига киради. Айни пайтда наркотик моддаларни ноқонуний олиб-сотишга қарши кураш борасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бир-бири билан яқин ҳамкорликда ишлайдилар. Чунки гап жамиятимизга, миллий хавфсизлигимизга жиддий раҳна солувчи куч ҳақида боряпти. Демак, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, божхона хизмати, чегара қўшинлари, қолаверса, кенг жамоатчилик бу балога қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиши лозим.

— Амалга оширилаётган ишларнинг самарасини қандай кўрсаткичлар билан баҳолаш мумкин?

— Энг аввало, халқаро наркобизнес корчалонларининг шашти сўниб, уларда мамлакатимизга нисбатан контрабанда учун осон йўл сифатида қараш фикри барҳам топганлигини таъкидламоқчиман. Улар дастлабки вақтлардаги каби наркотик моддаларни йирик миқдорда ўтказишга ботинолмай қолишди. Юқорида айтиб ўтганимдек, кўпроқ кичик партияларда олиб ўтишга уринилмоқда. Ташвишланарлиси, кейинги йилларда афюн (қорадори), героин каби кучли таъсир қилувчи, «қора бозор»да қиммат баҳоланувчи наркотик моддалар контрабандаси кучайди. Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси идоралари томонидан биргина 1998 йил мобайнида жиноятчилардан 1,7 тонна гиёҳвандлик воситаси мусодара қилинди. Шундан 70 килограмми героин, 1,5 тоннадан ортиғи эса қорадори моддасидир. Бу ҳолатлар юзасидан терговчиларимиз томонидан 100 дан ортиқ жиноят иши қўзғатилди. Қўлга олинган ҳар бир килограмм, якунланган ҳар бир жиноий иш ортида ҳамкасбларимизнинг бетиним ва сермашаққат меҳнати туради. Мана, бир неча мисол.

Яқинда МХХ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича бошқарма тезкор ходимлари томонидан кузатув остига олинган бир жиноий гуруҳ аъзолари пойтахтдаги «Роҳат» кафеси ёнида қўшни давлатнинг Ленинобод вилоятидан олиб келинган 1 килограмм героинни 18000 АҚШ долларига пуллаётган пайтларида қўлга олинди. Шаҳар судининг ҳукмига биноан, Тошкентда яшовчи М. Қобулов 14 йилга, Тожикистон фуқаролари С. Каримов 18 йилга ва А. Ҳолматов 17 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Тошкент шаҳрида яшовчи 48 ёшли фуқаро В. Пак Москва шаҳридаги ҳамтовоқлари билан биргаликда наркотик моддалар олиб-сотишни йўлга қўйишга уринади. Нашафуруш Москвадан келган «чопар»ларга ҳар килограммини 1000 АҚШ долларидан баҳолаб, жами 8 кило қорадорини олдисотди қилаётган пайтида тезкор ходимларимиз томонидан қўлга олинади. Суд ҳукмига биноан, енгил бойлик орттириш илинжида жиноятга қўл урган В. Пак мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Тожикистоннинг Хўжанд шаҳри орқали Афғонистон фуқароси Хўжа Жамил Тошкентда сотиш учун катта миқдорда героин моддасини Бекободга олиб ўтади. Уни кутиб олган ҳамюрти Гаус Залмайнинг «Мерседес-Бенц-190» маркали автомашинасида Тошкентга келиб, харидор излашади. Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг кузатуви остида бўлган «меҳмон»лар 2 килограмм героинни жами 18000 АҚШ долларига пуллашга уринаётган пайтларида жиноят устида қўлга олинди. Ушбу жиноий иш Миробод тумани судида кўриб чиқилиб, Алҳўжа Аҳмад Гаус Залмай ва Хўжа Жамил Абдул Ражаб мол-мулки мусодара қилинган ҳолда узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Бундай мисолларни, афсуски, кўплаб келтиришимиз мумкин. Қўшни Тожикистон ва Афғонистондаги беқарор вазият, шу омил билан боғлиқ бўлган иқтисодий-иқтисодий қийинчиликлар наркотик моддаларнинг ғайриқонуний савдоси ўсишига олиб келмоқда.

— Мазкур жиноятларни содир этаётганларнинг шахси ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Жиноий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, наркотиклар контрабандаси ва савдоси билан бевосита ижрочи, яъни «курьер» сифатида асосан иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлик бўлмаган давлатларнинг фуқаролари, энг кам таъминланган табақаларга мансуб кишилар шуғулланмоқда. МХХ тергов идоралари томонидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича айбланувчиларнинг аксарияти Афғонистон, Тожикистон ва Россия фуқароларидир. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон фуқаролари ҳам анчагина. Энг ачинарлиси шундаки, наркобизнесдан фойда олаётган уюшган жиноий гуруҳлар контрабанда ҳаракатларига кекса ёшдаги ва ногирон кишилари, вояга етмаган болаларни ва ҳатто аёллар, кўп болали оналарни ҳам жалб этишдек қабиҳликдан қайтмаяпти. Наркотикларни ноқонуний ўтказиш билан шуғулланаётган аксарият шахсларнинг ўртача ёши 25-30ни ташкил этади.

— Кейинги йилларда гиёҳвандлик воситаларини олиб ўтиш усулларида ўзгариш кузатиляптими?

— Контрабандачилар гаразли мақсадларида барча транспорт воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. «Мол» мансилга етиб бориши учун, бор ҳийла-найранглар ишга солинади. Масалан, автомашиналар ва темир йўл вагонларининг томи ва полларида, жамоат транспорти, яъни автобусларнинг ўриндиқлари тагида, салондаги иситкич қувурлар ичида хуфия жойлар тайёрланади. Шунингдек, наркотиклар енгил ва юк автомашиналари бензин бакларининг ичида бўшлиқ жойи ясалган «контейнер»ларга, эшиклар қопламаси ва эҳтиёт ғилдираклар ичига жойланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти шароитида қўшни ва чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқа қилиш ниҳоятда муҳимдир. Наркобизнесчилар эса бу ҳолатдан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш илинжида. Улар чет давлатлардан маҳсулот олиб келиш ёки ўша ерларга маҳсулот жўнатиш ниқоби остида халқ истеъмол моллари орасида гиёҳвандлик воситаларини хуфиёна олиб ўтишга уринмоқдалар. Хусусан, тергов амалиётида чет элга Ўзбекистон орқали транзит қилинаётган оёқ кийимларининг тагчарми остидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, консерваланган идишлар, шундай маҳсулотлар солинган қоплар ичидан наркотик моддалар топилган кўплаб ҳолатлар мавжуд.

Чегара ҳудудларидаги сўқмоқ йўллар анча ҳушёрликни талаб қилади. Жиноятчилар қуролланган гуруҳлар таркибида наркотикларни олиб ўтишга уринишган, улар билан тўқнашув содир бўлган фактлар анчагина. Наркобизнес «корчалонлари» ҳам анойи эмас. Улар вазиятга тез мослашиб, бир йўл ёпилса, бошқасини топишга интиладилар.

Шу ўринда инсониятни қаттиқ ташвишга солиши лозим бўлган бир муаммони айтмоқчиман. Жиноий гуруҳлар контрабанда қилишнинг киши ҳаётини хавф остида қолдирадиган усулларини қўллашдан ҳам чўчишмаяпти. Масалан, транспорт воситаларида ясаладиган хуфия жойлардан воз кечиб, махсус пластик капсулалар ичига маълум миқдорда героин жойлашмоқда. Бундай «контейнер»лардан бир неча ўнлаб донасини арзимаган пул эвазига ўтказишга рози бўлган шахслар ютиши керак бўлади. Аксарият ҳолларда инсон ошқозонига тушган капсулалар ёрилиб кетиб, уларни олиб кетаётган кишиларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлмоқда.

— Яқинда Миллий хавфсизлик хизмати томонидан бир ярим тоннадан ортиқ гиёҳвандлик воситалари ёқиб йўқ қилингани ҳақида хабар берилганди...

— Бундай тадбирлар Гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш давлат комиссиясининг қарорига кўра ва мазкур комиссия аъзолари иштирокида ўтказилади. Наркотикларни ёқиб йўқ қилиш бўйича барча масъулият Миллий хавфсизлик хизмати зиммасига юкланган. Сиз тилга олган тадбир биринчи марта ўтказилаётгани йўқ. Бу борада бой амалий тажриба тўпланди. Оғуни йирик миқдорларда ёқиш тадбирларини айтадиган бўлсам, илк бор 1994 йил майида 14 тонна наркотик модда нуфузли комиссия назорати остида, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида махсус ажратилган «домна» печларида ёқиб йўқ қилинган эди. 1998 йилда ҳам 7,5 тонна гиёҳвандлик воситаси худди шу тартибда йўқ қилинди. Бундан ташқари, жиноятчилардан мусодара қилинган наркотиклар суд ҳукмига биноан, мунтазам равишда 20-30 килограммдан 100 килограммгача миқдорда ёқиб турилади. Оғунинг иккинчи маротаба ноқонуний айланишига йўл қўймаслик мақсадида ёқиш ЮНДКП томонидан ҳам тавсия этилади.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларини ҳеч бир оғишмасдан бажариб келмоқда. Сўнгги беш йил ичида Халқаро конвенция талабларига қатъий риоя қилган ҳолда 30 тоннадан ортиқ гиёҳвандлик воситалари ёқиб йўқ қилиб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси МХХ жамоатчилик билан алоқа бюроси.

Гиёҳвандлик — иллат

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — М. ЙЎЛДОШЕВА.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.30
1 2 3 4 5 6

«ТС-ТЕХНОЛОГИЯ» фирмаси

ТАКЛИФ ЭТАДИ:
- Саналарни 2000 йилга мўлжаллаб тартиб билан алмаштирадиган турли хил кўринишдаги компьютерлар;
- Принтерлар - тезлиги юқори, матрицали, пуркагичли, фототасвирни бера олади; шунингдек, янги лазерли принтер HP 1100 (бир дақиқада 8 саҳифагача чиқаради).
- SCSI ҳамда LPT тамғали сканерлар, ксероксдар, факслар.

- сервис: кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат.
- замонавий дастурли маҳсулотлар билан таъминлаймиз.
- омборхонадан маҳсулот пул тўланган кундаёқ берилади.
- агентларимиз ҳамиша жойларга бориб шартнома тузишга тайёр.

Республика минтақаларига ташкилотлар учун техникалар «ТС-Технология» фирмаси ҳисобидан етказиб берилади.

©/1865

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222-уй. Тел\факс: (3662) 22-09-54, 22-24-75.

БИЗ РЕКЛАМА ҚИЛАЁТГАНИМИЗ ЙЎҚ, ШУНЧАКИ ЭСЛАТИБ ҚЎЙМОҚДАМИЗ, ХОЛОС

ЭССЕНЦИАЛЕ - жигар ҳужайралари учун тиклаш малҳами ҳисобланади.

Жигар хасталикларини даволаш ва профилактикасида (олдини олишда) самаралилиги исботланган.

- жигарингиз ҳужайрасини ҳимоя қилади ва тиклайди.
- табиий ўсимликлардан тайёрланган.
- ҳеч қандай қарши кўрсатма ва асоратли белгиларга эга эмас.
- саломатлигингиз яхшиланишига имкон беради.

КЎРСАТМАЛАР:
ўткир ва сурункали гепатитлар, жигарнинг ёғли дистрофияси, цирроз ва жигар комаси, жигарни дори-дармон, заҳарланиш ва алкогол туфайли зарарланиши, псориаз (қипиқли темиратки), ҳомиладорлик пайтидаги токсемия, нурли синдром, заҳарланиш, қандли диабет, бошқа касалликлар асорати туфайли жигар фаолиятининг бузилиши.

ОШҚОЗОНИНГИЗ СИЗНИ БЕЗОВТА ҚИЛАЯПТИМИ?

МААЛОКС - Сизнинг ошқозонингизни мустаҳкам ҳимоя қилади

- меъдадаги оғриқни тез ва узоқ муддатга бартараф этади
- мазаси хушбўй
- ажойиб даражада ўзлаштирилади

КЎРСАТМА:
жигилдон қайнаши, кекириш, ошқозон дискомфорти, парҳезни бузганлик, дорилар қабул қилишни, ичкиликни, чой, қаҳва, никотинни суиистеъмол қилиш оқибатларидан сўнг, ўткир ва сурункали гастрит, кўкрак қафасини бўшлиғидан ажратиб турадиган мускул тўсиқ (диафрагма) тешигининг чурраси, меъда яраси ва ўн икки бармоқ ичак хасталиклари.

ХОЛАГОГУМ - ҳазм қилиш ва safро ажралишини яхшилаш учун

Холагогум 3 хил ўсимлик (кукурма мойи ва илдизи, ялпиз мойи ва қончўп) нинг фаол аралашмасидан таниб олинган таркибга эга. У гепатобилар тизимидаги сурункали функционал бузилишларда самарали бўлиб, спазмолитик ва оғриқни қолдирувчи таъсирга эга, жигарда safронинг пайдо бўлишини таъминлайди ва сўрилиб кетишига имкон яратади, ҳазм жараёнини созлаб туради, оғирлик ва метеоризм ҳиссини бартараф этади, ҳомиладорлик ва эмизиш даврида ҳам фойдаланиш мумкин. Узоқ вақт қабул қилиш учун ажойиб доридир.

БИЗ СИЗНИНГ СОҒЛИҒИНГИЗ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРАМИЗ!
PHONE-POULENC RORER

RHÔNE-POULENC RORER

1830

SIEMENS

Бу бирданига кўзга ташланмайди:
Бизнинг махсус SCENIC русумли компьютерларимизда кўплаб ҳимоя воситалари, енгил замонавийлаштириш ва қўшимча фойдали вазифаларни бажариш имкониятлари мавжуд. Ташқаридан "фақатгина" юқори сифатда тайёрланганлиги ва бежирим безатилганлиги кўриниб туради. Ичкарисида эса биз ишончли капитал қўйилма, деб атайдиган нарсалар жойлашган.
Шунингдек, ахборотларнинг ишончлилиги билан ҳам ажралиб туради.
SCENIC PC Intel` Pentium` II ва Celeron`-TM Процессорларида ишлайди.

Биз Сизларни http://www.siemens. com/pc да кутамиз.

40-67-51; 132-03-14 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг.
Бизнинг манзилимиз: 700000, Тошкент, А. Толстой кўчаси,23.

Бизнинг ҳамкорларимиз:
Хайтек, тел: 133-59-10.
Аверс, тел: 144-66-66, факс 144-40-39.
Юнивит, тел: 120-67-69.
Микрос, тел: 132-14-33, 132-12-77.
Modern Tehnologies, тел: 133-84-67, 56-50-02., факс 136-26-85.
NG Service, тел: 137-22-75, 137-22-76.
Саркор-Компьютек, 132-00-00, факс 133-48-41.

SCENIC & PRIMERGY

intel inside pentium II xeon processor

1858-1

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси жамғарманинг масъул ходими Б. Шариповга укаси
Эркин ШАРИПОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎзРМХБ» АЖ жамоаси Тоҳир Бўрихўжаевга падари бузруквори
Нўъмон БЎРИХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институт катта илмий ходими З. Я. Тўрақуловга онаси, профессор
Маҳмуда МАҲКАМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди — «Бизнес-фонд» жамоаси Ўзбекистон халқ артистлари, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг совриндорлари Хайрулла Саъдиев ва Ёдгор Саъдиевларга волидаи муҳтарамалари, Халқ таълими аълочиси
Маҳбуба ая ҚОДИРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театри жамоаси театр актёри, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиевга онаси
Маҳбуба ая ҚОДИРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.